



МАИШИЙ НУТҚИЙ ЖАНРЛАРНИ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТДА ТАДҚИҚ ЭТИШ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хасанова Фотима Мамановна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Аҳмедова Дилором Улуғбековна

Қўрғонтепа туман Қорасув шаҳар 54-умутаълим мактаби

инглиз тили ўқитувчиси

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда нутқий жанрлар тадқиқига бағишланган илмий тадқиқотлар сони кенгайиб бормоқда. Бу эса нутқий жанрларнинг тил тизимида ўзига хос хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади¹.

Замонавий тилшуносликда жанр тушунчаси бу тил тизимида ҳосил бўлувчи нутқий бутунликни англатиб, ўзига хос нутқий мақсад, композиция ва услубга эгаллиги билан характерланади. Алоҳида жанрларнинг турли лингвистик шаклларга эгаллиги, айниқса, ўзининг ривожланиш ва ўзгариш, бирининг йўқолиб иккинчисининг вужудга келиши каби ижтимоий жараёнларни ўз ичига олиши муайян ижтимоий омиллар таъсири мавжудлигини кўрсатади. Нутқий жанрларнинг янгиланиб туриши, янгиларининг пайдо бўлиши ёхуд нутқий жанрнинг эскириб, йўқолиб бориши халқнинг ижтимоий-маънавий ҳаётининг ўзгариши билан боғлиқ кечади. Халқ онги ва тафаккурининг маҳсули бўлган нутқий жанрлар муайян лингвистик воситалар орқали ифодаланиши билан характерланади.

Нутқий жанрлар мулоқот жараёнида ўзига хос лингвистик шакл олади. Коммуникация жараёнида нутқий жанрларнинг муайян нутқий мақсад, композиция, услубий хосланиш орқали вербал ва новербал воситалар ёрдамида нутқий бутунлик ҳосил қилиши нутқий жанрлар хилма-хиллигини келтириб чиқаради. Нутқий жанрлар хилма-хиллиги нутқий жанрлар назариясида нутқий жанрларнинг турли таснифларини юзага келтирди. Нутқий жанрларнинг сўзлашув нутқида хосланган, маиший ҳаётда кўп қўлланилувчи, кишиларнинг кундалик сўзлашув хусусиятлари, мавзулари,

¹ F.M.Hasanova. Comparative – typological classification of the speech genre “oath” in English and Uzbek languages. “Молодой ученый” Международный научный журнал, Казань, 2018, №17 (203) 318-319 стр, The linguistic features of the informal types of speech genre “oath” in Uzbek lingo culture. International conference “Scientific research of the SCO countries: synergy and integration”. China, 2018, Part II, Ф.М.Хасанова, М. Анорбоева. Қасамёд нутқий жанрининг фалсафий-диний хусусиятлари (инглиз лингвомаданияти мисолида) Innovation and Global issues, Congress IV, Antalya, 2018. 1486-1489 б; Hasanova. F.M. Etymological and linguistic features of speech genre “oath” in Uzbek language Языковые и культурные контакты: лингвистический и лингводидактический аспекты: материалы III Международной научно-практической конференции, Саратов, 2018. 99-101 ст., Нетьматжонова Х. К, Анорбоева М.С. Хасанова Ф.М. Қадах сўзи нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари. Научный журнал 33 (162) “Интернаука” г. Москва, 2020; Анорбоева М.С, Хасанова Ф.М., Нетьматжонова Х.К. Қадах сўзи нутқий жанрининг фольклор ва лингвистик хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар; CLXXX Международной научно-практической конференции “Молодой исследователь: вызовы и перспективы” М., 2020; Анорбоева М.С, Хасанова Ф.М, Нетьматжонова М.С. Тилшуносликда қадах сўзи нутқий жанр сифатида CLXXVIII Международной научно-практической конференции “Инновационный подходы в современной науке” 18 (78), М., 2020,



қизиқишлари, анъаналарини ўзида намоён этувчи нутқий жанрлар тил тизимида муайян ўрин эгаллайди. Кишилиқ жамиятидан амалда бўлган нутқий жанрларнинг замонавий шакллари асрлар оша тарихий қарашларни ўзида акс эттиради. Шундай экан, ҳар бир нутқий жанрнинг замонавий шакли ва унинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш тарихий ва замонавий қарашларни қиёслаш имконини беради. Маиший нутқий жанрлар ўзида халқнинг маиший ҳаёти билан боғлиқ тарихий ва замонавий қарашларини, анъаналарини акс эттирувчи нутқий жанрлар туркуми саналади. Маиший нутқий жанрлар маиший мулоқот давомида ҳосил бўлганлиги сабабли маиший мулоқотга оид барча қонуниятларни ўзида сақлайди. Маиший нутқий жанрларга дуо, қарғиш, қасамёд, табрик, қадах сўзи кабиларни киритиш мумкин.

Маълумки, маиший мулоқот нутқий мулоқот асосида кечади. Шу сабабли ҳам нутқий мулоқотга тегишли нутқий ҳодисаларни ўрганиш эса ўз-ўзидан тилнинг коммуникатив функцияси билан боғланади. Тилнинг коммуникатив функциясини ўрганиш тил табиатини тўлалигича тушуниш имконини беради. Ҳозирги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, нутқий фаолият ва нутқий ҳодисаларни тил билан боғлаб ўрганиш тилни нолисоний ҳодисалар, яъни тилнинг физик, физиологик, психологик, мантиқий, социологик каби бир қатор хусусиятларини ҳисобга олиб ўрганишни тақозо этади. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунга келиб замонавий тилшунослиқда прагмалингвистика, антрополингвистика, биолингвистика, лингвомаданиятшунослиқ, нейролингвистика, этнолингвистика, паралингвистика, психоллингвистика, дискурсив тилшунослиқ, когнитив лингвистика, социоллингвистика каби йўналишлар майдонга келди. Ушбу тадқиқотларда тилнинг ўзига хос белгиларини нолисоний ҳодисалар билан қоришиқ ҳолда ўрганиш асосий ўринни эгаллайди. Бу эса тилнинг табиатини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади. Ушбу тадқиқотлар орасида социоллингвистик тадқиқотлар муҳим ўринни эгаллайди.

Маиший нутқий жанрларнинг лингвистик шаклларининг хилма-хиллиги нутқий жанрларнинг социоллингвистикаси масалалари билан боғланади. Нутқий жанрларнинг хилма-хил шакллари тил шакллари танловини келтириб чиқаради. Бунда тилга таъсир қилувчи катта ва кичик ижтимоий омиллар: мулоқотга киришувчиларнинг ёши, жинси, маданияти, билим даражаси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ижтимоий яқинлик даражаси, ижтимоий коллективизм ва индивидуаллик, касби, ижтимоий ҳолати, коммуникатив салоҳияти, ижтимоий мақоми, ижтимоий ўрнидан тортиб ижтимоий қатлам, этнос ва этник гуруҳ каби бир қатор ижтимоий омиллар инобатга олинади. Умуман олганда, нутқий жанрлар социоллингвистикаси нутқий жанрларга тегишли тил шаклларининг ижтимоий табиатини ўрганар экан, нутқий жанрларнинг ижтимоий коммуникатив функциясини тўлиғича тушунишга ёрдам беради. Нутқий жанрлар социоллингвистикасида нутқий жанрлар шакллари танловида сўзловчи ва тингловчи ким билан (бир ёки бир нечта киши), қандай ижтимоий муҳитда, яъни қулай/ноқулай шароитда, расмий/ норасмий



муҳитда ва қандай мақсадда (мулоқот, хабар, таъсир этиш) гаплашаётганлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Демак, нутқий жанрлар социолингвистикаси нутқий жанрларда лингвистик шакл танлови ва унинг мавжуд бўлган ижтимоий шароитлар билан боғлиқлигини ўрганадиган социолингвистиканинг бир соҳасидир. Ижтимоий шароитлар деганда, амалдаги тил ривожланаётган ташқи шарт-шароитлар мажмуи: мазкур тилдан фойдаланаётган кишилар жамияти, бу жамиятнинг ижтимоий структураси, тил эгаларининг ёши, ижтимоий мавқеи, маданият ва билим даражаси, яшаш жойи орасидаги фарқлар тушунилади. Демак, нутқий жанрлар социолингвистикаси тилнинг жамият ҳаётидаги роли, унинг ижтимоий табиати, ижтимоий функциялари, ижтимоий омилларнинг тилга бўлган таъсир механизми билан боғлиқ масалаларни ўрганади.

Маиший нутқий жанрлар социолингвистик тадқиқ этиш келгусида чуқур илмий тадқиқотларга йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. F.M.Hasanova. Comparative – typological classification of the speech genre “oath” in English and Uzbek languages. “Молодой ученый” Международный научный журнал, Казань, 2018 , №17 (203) 318-319 стр,

2. F.M.Hasanova. The linguistic features of the informal types of speech genre “oath” in Uzbek lingo culture. International conference “Scientific research of the SCO countries: synergy and integration”. China, 2018, Part II,

3. Ф.М.Хасанова, М. Анорбоева. Қасамёд нутқий жанрининг фалсафий-диний хусусиятлари (инглиз лингвомаданияти мисолида) Innovation and Global issues, Congress IV, Antaliya, 2018. 1486-1489 б;

4. Hasanova. F.M. Etymological and linguistic features of speech genre “oath” in Uzbek language Языковые и культурные контакты: лингвистический и лингводидактический аспекты: материалы III Международной научно-практической конференции, Саратов, 2018. 99-101 ст.,

5. Неъматжонова Х. К, Анорбоева М.С. Хасанова Ф.М. Қадах сўзи нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари. Научный журнал 33 (162) “Интернаука” г. Москва, 2020;

6. Анорбоева М.С, Хасанова Ф.М., Неъматжонова Х.К. Қадах сўзи нутқий жанрининг фольклор ва лингвистик хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар; CLXXX Международной научно-практической конференции “Молодой исследователь: вызовы и перспективы” М., 2020;

7. Анорбоева М.С, Хасанова Ф.М, Неъматжонова М.С. Тилшуносликда қадах сўзи нутқий жанр сифатида CLXXVIII Международной научно-практической конференции “Инновационный подходы в современной науке” 18 (78), М., 2020,